



XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахрда яшаган накшбандия таълимотининг йирик вакилларида Хожа Ахрори Валийнинг устози бўлмиш мавлоно Яъкуб Чархий Газна (Афғонистон) шахрига тобе кишлоклардан бири хисобланган Чархда тугилганлиги учун Чархий тахаллусини олгандир. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у ўз давридаги илмларни эгаллагач, кўнглида тасаввуфга нисбатан хошиш пайдо бўлиб, Бухорога келади ва Хожа Баҳоуддин Накшбанд билан учрашади. Бу воқеаларнинг тафсилоти унинг «Рисолаи унсия» («Дўстлик хақида рисола») номли китобида баён қилинган. Бир неча синовлардан сўнг, Хожа Баҳоуддин'Накшбанд Чархийни шогирдликка қабул қилиб, сўфийлик таълимоти билан таништиради ва уни ўзининг шогирди ва куёви Хожа Алоуддин Атторнинг тарбиясига топширади. Бухорода Яъкуб Чархий тасаввуф соҳасида тез орада маънавий камолот топади ва Чағониёнда фаолият кўрсата бошлайди.

Яъкуб Чархий Накшбанд кўрсатмасига мувофиқ халқни ҳақ йўлига даъват қила бошлайди. Ўз асарлари ва етиштирган шогирдлари билан шухрати ҳар томонга тарқалади. У асосан Мовароуннахрда Улугбек, Хуросонда эса Шохрух даврларида фаолият кўрсатди. Кейинчалик Накшбандия таълимотининг XV асрдаги энг йирик намояндаси бўлиб танилган Насириддин Убайдуллох (Хожа Ахрори Валий) Чархийнинг шон-шухратини эшитиб, у билан учрашишга ошиқади ва пировард-натижада уни пир тутиб, унга шогирд тушади. Бу воқеанинг тафсилоти «Рашахот»да баён қилинган.

Чархий XV асрда Темурийлар давридаги тасаввуф, хусусан Накшбандия таълимотининг йирик вакилларида бири сифатида ном қозонади. Бу ҳақда турли манбаларда маълумотлар келтирилади. Машҳур Абдурахмон Жомий ўзининг «Нафохот ул-унс» китобида Яъкуб Чархий фаолияти ва тасаввуфни тарғиб қилиш соҳасидаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтади ва Хожа Ахрори Валий билан устоз-толиб муносабатларини тилга олади.

Мавлоно Яъкуб Чархий ўз устози Хожа Баҳоуддин Накшбанднинг «мендан нимаики сенга етган бўлса, бошқаларга етказ», деган амрларига фармонбардор бўлиб, ҳозир бўлганларга хитоб (сўзлаш) орқали, гойибдагиларга китоб орқали етказишга ҳаракат қилди.

Мавлоно Яъкуб Чархий Накшбандия таълимоти, турли диний илмга оид бир канча асарлар ёзадики, бу ерда уларнинг рўйхатини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1. «Тафсири Чархий» («Чархийнинг Куръонга килган тафсири»).
2. «Рисолаи унсия» («Дўстлик хакида рисола»).
3. «Ар-рисолат ул-абдолия» («Абдоллар хакида рисола»).
4. «Рисола дар сийрати Мустафавия ва тарикаи мустақимия» («Мустафонинг сийратлари ва тўғри йўллар хакида рисола»).
5. «Рисола дар илми фаройиз» («Фарз нарсалар хакида рисола»).
6. «Рисола дар акоид» («Акоид илми хакида рисола»).
7. «Рисола фи-л-хисоб ва-л-фаройиз» («Хисоб ва мерос таксими хакида рисола»).
8. «Мухтасар дар баёни силсилаи Нахшбандия» («Нахшбандия сулуки хакида қисқача рисола»).
9. «Шархи асмоуллох» («Аллох исмларининг шархи хакида рисола»),
10. «Шархи нуваду нух ном» («Аллохнинг тўксон тўққиз исмининг шархи»).
11. «Фаройизи манзума» («Назмий фарз нарсалар хакида»).

Чархийни кўпчилик факат Куръони каримга тафсир ёзган олим сифатидагина танийди. Хакикатан унинг макбараси пештокига «тафсирчи олим» деб ёзиб қўйилган. Асарлари рўйхатидан кўриниб турганидек, Чархий Накшбандия силсиласини баён қилувчи алоҳида рисола ҳам ёзган. Бундан ташқари у «Рисолаи унсия» («Дўстлик хакида рисола»)ни ёздики, унда Хожа Баҳоуддин билан учрашгани, унинг таълим-тарбияси ва тарикат йўлида буюрган ишларини мукамал баён қилиб, ўз устозларининг номи ва шуҳратларини ёйишга хизмат қилди. Шунингдек, унинг каламига мерос хақидаги рисола ҳам мансубдир. Чархий хижрий 851, мелодий 1447 йили вафот этган. У Мовароуннахр ва Хуросонда тасаввуфнинг ҳаётий йўналишларидан бўлмиш Накшбандия таълимотининг кенг ёйилиши ва бу билан умумий маданий юксалиш иши йўлида хизмат қилди ва бу йўлда ўз хиссасини қўшди.